БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 3 (1265)
4 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ойга томон биринчи космик ракета учирилди

1959 йил 2 январда СССРда Ойга томон космик ракета муваффақиятли учирилди. Кўп босқичли космик ракета белгиланган программага мувофиқ Ой томонига қараб ҳаракат траекториясига чиқиб олди. Космик ракета Ойга томон учиб бормоқда.

Совет фани ва техникасининг яна бир катта ғалабаси

☆ ☆ ☆

Ойга томон космик ракета учирилганлиги тўғрисида
ТАСС АХБОРОТИ

1957-1958 йиллар Совет Иттифоқининг ракетасозлик соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари билан нишонланди. Ернинг совет сунъий йўлдошлари учирилганлиги космик учишларни амалга ошириш ва Қуёш системасидаги бошқа планеталарга чиқиш учун зарур материаллар тўплаш имкониятини берди.

СССРда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ўз ҳажми ва оғирлиги жиҳатидан катта бўлган Ер сунъий йўлдошларини яратишга қаратилган эди. Маълумки, учинчи совет сунъий йўлдошининг оғирлиги 1.327 килограммдан иборат бўлган эди.

Халқаро Геофизика йили программасига мувофиқ, 1957 йил 4 октябрда Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдоши учирилганда ва шундан кейинги совет оғир йўлдошлари учирилганда, биринчи космик тезликка — секундига 8 километр тезликка эришилган эди.

Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари ва ишчиларининг шундан кейинги ижодий ишлари натижасида ҳозирги вақтда кўп босқичли ракета яратилди. Бу ракетанинг сўнгги босқичи иккинчи космик тезликда — секундига 11,2 километр тезликда ҳаракат қилаолади. Бу тезлик планеталараро учиш имкониятини вужудга келтиради.

1959 йил 2 январда СССРда Ойга томон космик ракета учирилди. Кўп босқичли космик ракета белгиланган программага мувофиқ, Ой томонига қараб ҳаракат траекториясига чиқиб олди. Дастлабки маълумотларга кўра, ракетанинг сўнгги босқичи зарур бўлган иккинчи космик тезликка эришди. Ракета ўз ҳаракатини давом эттириб, Совет Иттифоқининг шарқий ҳегарасини кесиб ўтди, Гавай ороллари устидан учиб ўтиб, Тинч океан устида учишни давом эттирмоқда ва Ердан тез узоқлашмоқда.

3 январда Москва вақти билан соат 3 дан 10 минут ўтганда космик ракета Ойга томон ҳаракат қилиб, Суматра оролининг жанубий қисми устидан ўтади, Ердан қарийб 110 минг километр масофада бўлади. Бевосита кузатишлар йўли билан аниқланаётган дастлабки ҳисобларга кўра, космик ракета 1959 йил 4 январда тахминан соат 7 да Ой доираси районига етади.

Космик ракетанинг 1.472 килограмм оғирликдаги сўнгги босқичи ёқилғисиз махсус контейнер билан таъминланган. Контейнернинг ичида қуйидаги илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун ўлчов аппаратлари ўрнатилган:

— Ойнинг магнит майдонини аниқлаш;

— Ернинг магнит майдонидан ташқарида космик нурларнинг интенсивлигини ва интенсивлик вариацияларини ўрганиш;

— космик нурланишдаги фотонларни рўйхат қилиш;

— Ойнинг радиоактивлигини аниқлаш;

— космик нурланишда оғир ядроларнинг тақсимлинишини ўрганиш;

— планеталараро модданинг газ компонентини ўрганиш;

— Қуёшнинг корпускуляр нурланишини ўрганиш;

— метеор заррачаларини ўрганиш.

Космик ракета сўнгги босқичининг учишини кузатиш учун унда қуйидагилар ўрнатилган:

— 19,997 ва 19,995 мегагерцдаги икки частотатада 08 ва 1,6 секунд узунликда телеграф сигналлари юборувчи радиопередатчик;

— 19,993 мегагерц частотада ишлаб, 05-09 секунд орасидаги узунликда телеграф сигналлари берувчи радиопередатчик. Бу передатчик ёрдами билан илмий кузатиш маълумотлари олиниб турилади;

— 183,6 мегагерц частотада нурланувчи ва ҳаракат параметрларини ўлчаш ҳамда Ерга илмий ахборотлар юбориб туриш учун фойдаланиладиган радиопередатчик;

— Натрий булути — сунъий комета вужудга келтирадиган махсус аппарат.

Сунъий кометани натрий спектрал линиясини ажратиб чиқарувчи ёруғлик фильтрлари билан таъминланган оптик воситалар ёрдами билан кузатиш ва суратга олиш мумкин.

Сунъий комета 3 январда Москва вақти билан соат 3-57 минутда ҳосил бўлади ва Дева юлдузлар туркумида, альфа Волонас, альфа Дева ва альфа Тарози юлдузлари ҳосил қилган уч бурчакнинг тахминан ўртасида 2-5 минутга яқин вақт ичида кўриниб туради.

Космик ракетага Совет Иттифоқи герби туширилган ва «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи. 1959 йил январь» деб ёзилган вимпел ўрнатилган.

Илмий ва ўлчов аппаратларининг умумий оғирлиги энергия манбалари ва контейнер билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 361,3 килограммни ташкил этади.

Совет Иттифоқининг турли қисмларида жойлашган илмий ўлчов станциялари планеталараро биринчи учишни кузатмоқдалар. Траектория элементларини аниқлаш координация-ҳисоб марказига автоматик суратда келиб турувчи ўлчов маълумотларига мувофиқ электрон ҳисоб машиналарида амалга оширилади. Ўлчов натижаларининг ишлаб чиқилиши космик ракетанинг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олишга ва планеталараро бўшлиқнинг илмий кузатишлар олиб борилаётган участкаларини аниқлашга имкон беради.

Бутун совет халқининг барча прогрессив инсоният манфаатлари йўлида социалистик жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга қаратилган яратувчилик меҳнати планеталараро биринчи муваффақиятли учишни амалга оширишга имкон берди.

Совет космик ракетасининг учирилиши Ватан ракетасозлиги юксак даражада ривожланганлигини яна бир марта кўрсатади ҳамда илғор совет фани ва техникасининг буюк муваффақиятларини бутун дунё олдида яна намойиш қилади.

Коинотнинг буюк сирларини инсон тобора кўпроқ билиб олмоқда ва бошқа планеталарга ҳам инсоннинг қадами етадиган вақт узоқ эмас.

Планеталараро алоқа учун янги ракетани яратган илмий-текшириш институтлари, конструкторлик бюролари, заводлар ва синов ташкилотларининг коллективлари ракетанинг бу учирилишини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездига бағишлайдилар.

Космик ракетанинг учиши тўғрисидаги маълумотларни Совет Иттифоқидаги ҳамма радиостанциялар мунтазам суратда эшиттириб турадилар.

МОСКВА ВАҚТИ БИЛАН СОАТ 3 ДА

Совет космик ракетаси Ойга томон учишни давом эттирмоқда. 3 январь куни Москва вақти билан соат 3 да ракета Ҳинд океани тепасида, Ер сиртининг жанубий кенгликнинг 3 градус 12 минути ва шарқий узунликнинг 108 градуси координатларига эга бўлган нуқтаси тепасида, Ердан юз минг километрдан ортиқ баландликда бўлди.

СССР территориясида жойлашган кузатиш станциялари космик ракетадан олинаётган сигналларни тўхтовсиз рўйхат қилмоқдалар. Радиосигналлар 19,997, 19,995, 19,993 ва 183,6 мегагерц частоталарда берилиб турибди.

Космик ракетага ўрнатилган аппаратлар нормал ишламоқда. Ўлчов маълумотларига кўра, илмий аппаратлар жойлаштирилган контейнердаги ички температура ва босим белгиланган чегарада сақланмоқда.

МОСКВА ВАҚТИ БИЛАН СОАТ 6 ДА

Совет космик ракетаси Ойга томон учишни давом эттирмоқда. Траектория ўлчовлари натижаларини ишлаб чиқиш ракетанинг иккинчи космик тезликни оширганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, инсоният тарихида биринчи марта планеталараро бўшлиққа чиқишни таъминлайдиган иккинчи космик тезликка эришилди ва бу тезликдан ўзиб кетилди. Москва вақти билан соат олтида ракета Ер сиртининг жанубий кенгликнинг 4 градус 30 минути ва шарқий узунликнинг 63 градус 30 минути координатларига эга бўлган нуқтаси тепасида, Ердан 137 минг километрдан ортиқ баландликда бўлди.

Ракетага ўрнатилган радиопередатчикларнинг ҳаммаси пухта ишламоқда ва ўз сигналларининг Ер устидаги станциялар томонидан бемалол қабул қилинишини таъминламоқда. Ракетанинг илмий аппаратлари нормал ишламоқда. Ракетадан олинаётган маълумотлар ишлаб чиқилмоқда ва анализ қилинмоқда.

МОСКВА ВАҚТИ БИЛАН СОАТ 13 ДА

Москва вақти билан 3 январь кундуз соат 13 да совет космик ракетаси Ойга томон учишда давом этиб, Ердан 209 минг километр узоқлашди. Мазкур вақтда ракета Жанубий Америка устида, Ер сиртининг ғарбий узунликнинг 40 градуси ва жанубий кенгликнинг 7 градуси 33 минути координатлари нуқтаси тепасида эди. Траектория ўлчовларини ишлаб чиқиш натижаларидан таъкидланишича, ракета Ойга яқин учиб ўтиб, биринчи сунъий планетага айланади, яъни қуёшнинг сунъий йўлдоши бўлиб қолади. Ракета Ойга яқин учиб ўтганда унинг ой сатҳидан минимал масофаси, траектория ўлчовлари маълумотларига кўра, 6-8 минг километрни, яъни Ойнинг тахминан икки диаметрини ташкил этади.

Космик ракетадаги илмий аппаратлар нормал ишламоқда. Ер устидаги қабул станциялари илмий информацияни бемалол қабул қилишда давом этмоқдалар. Дастлабки ўлчовларнинг маълумотларига кўра, ракета устидаги ҳарорат даражаси цельсия плюс 15-20 градусини ташкил этмоқда. (ТАСС).

☆ ☆

АҚШ билан мусобақада ютиб чиқаётганлигимизнинг ёрқин далили

Радио қувончли хабар келтирди. Совет олимлари, инженер-техник ходимлари ижодий ҳамкорликда Ой томонга қараб қудратли янги ракетани муваффақиятли равишда учирдилар. Бу ракета ўз ҳажми, олдига қўйган вазифалари ва Ой томон қилаётган қутлуғ ҳаракатлари жиҳатидан шу чоққача Америка олимлари зўр бериб уриниб, фазога учиришга ҳаракат қилаётган барча ракеталардан беқиёс даражада устун эканлиги равшандир. Бу АҚШ билан илмий-техника соҳасида олиб борилаётган мусобақа давомида эришилган энг катта ғалабаларимиздан биридир.

Ракетамиз Ой томонга музаффарона юришини тўхтовсиз давом эттириб, истеъдодли олимларимиз аниқлаб берган график асосида ҳаракат қилмоқда. Сунъий комета номини олган совет ракетаси фан ва техникамизнинг оламшумул-тарихий ғалабаларидан гувоҳлик бериб, космик фазода парвоз қилиб тобора Ойга яқинлашмоқда. Кишилик тарихида биринчи марта совет олимлари иккинчи космик тезликда жисм учиришга муяссар бўлдилар. Бу ҳам совет фанининг мислсиз улуғ ютуқларидандир.

Сунъий кометамиздан олинаётган илмий маълумотлар астрономия, физика ва бошқа аниқ фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Т. САРИМСОҚОВ,
академик, физика-математика фанлари доктори.

Қувончли хабар

Ой томонига совет космик ракетаси учирилганлиги ҳақидаги ТАСС ахбороти бепоён Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди. Бу, табиийдир. Чунки Ой томонга ракета учирилиши космик фазони бўйсундириш йўлида эришилган йирик ғалабалардан, фан ва техникамизнинг энг катта ютуқларидан биридир. Фан ва техника соҳасида қўлга киритилган бу мислсиз муваффақият халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани амалга оширила бошланган 1959 йилнинг дастлабки кунларида учириліши ана шу улуғвор планнинг зўр муваффақият билан амалга ошириш ишига турли касбдаги кишиларимизнинг, шу жумладан инженер-техник ходимларимиз ва олимларимизнинг зўр ғайрат билан киришганликларини тасдиқлайди.

Ракетанинг муваффақиятли равишда учирилганлиги совет фанининг камолга етганлигидан, космик фазога инсон саёҳат қиладиган кунлар тобора яқинлашаётганлигидан далолат беради.

Сунъий комета деб аталган бу ракетамизда жойлаштирилган турли илмий аппаратура ва радио техника механизмлари орқали олинаётган ахборотлар фанимизни янги-янги далиллар билан бойитади.

В. ШЧЕГЛОВ,
Тошкент Астрономия обсерваториясининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси.

Фанимизнинг яна бир буюк ғалабаси

Ойга томон планеталараро совет ракетасининг учирилганлиги тўғрисида кеча радиодан эшиттирилган хабар ҳар бир совет кишисининг қалбида катта шодлик тугдирди. Фанимизнинг бу янги ғалабаси космик фазони ўрганиш сари қўйилган тўртинчи гигант қадамдир.

Инсоният жуда кўп асрлардан буён Ой, Марс, Юпитер сингари осмон жисмлари ҳамда планеталарни кузатиб келаётир. Шу билан бирга кишилар ана шу планеталарга чиқиш ҳамда у ердаги ҳаётни ўрганишни орзу қилардилар. Инсониятнинг бу орзуси аста-секин рўёбга чиқаётир. Бунинг биринчи исботи 1957 — 1958 йиллар давомида бирин-кетин космик фазога учирилган Ер сунъий йўлдошлари бўлди. Ер курраси атрофида бир неча ойдан буён айланиб юрган Ернинг учинчи совет сунъий йўлдоши астрономия фанини ривожлантиришда жуда қимматли илмий натижалар бермоқда.

Совет кишилари фан ютуқларини инсоннинг бахт-саодати ва келажагига хизмат қилдириш учун фидокорона меҳнат қилаётган олимлардан беҳад миннатдордир. Мен оддий бир инженер сифатида олимларимизни уларнинг буюк муваффақиятлари билан чин қалбимдан табриклайман.

К. АБДУРАҲМОНОВ,
бинокор инженер.

Олимларимиздан миннатдормиз

Бизнинг социалистик мамлакатимизда фан ва техниканинг тўхтовсиз ривожланиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Ана шу имкониятлардан баҳраманд бўлаётган олимларимиз ва конструкторларимиз Ер сунъий йўлдошларини яратдилар. Эндиликда улар янада катта муваффақиятга эришдилар. Олимларимиз ва конструкторларимиз яратган космик ракета Ойга томон учирилди. Бу жуда катта тарихий воқеадир.

Заводимиз коллективи илм аҳлларининг бу жаҳоншумул ишидан мамнун бўлмоқда. Бунга жавобан янада унумли меҳнат қилиш, мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланиш, мамлакатимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида қурашни тобора қизитамиз. Ишчилар ва инженер-техник ходимларимиз партия XXI съездини январь ойи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажариш билан кутиб олиш учун интилаётган бир вақтда Ойга томон космик ракетанинг учирилиши ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди.

Умаржон УСМОНОВ,
«Таштрансмаш» заводи пўлат қуювчилар бригадасининг бошлиғи.

Космик ракета сигналлари плёнкага ёзиб олинди

Ўзбекистон пойтахти қисқа тўлқинли радио ҳаваскорларининг радиоприёмниклари Ой томонга учаётган совет космик ракетаси тўлқинларига мослаштирилган. Магнитофон плёнкасига дастлабки сигналлар ёзиб олинди.

Халқаро геофизика йилининг катнашчиси, қисқа тўлқинли радиоҳаваскори К. К. Сливицкий ЎзТАГ мухбирига бундай дейди:

— Мен 19,993 мегацикл диапазонидаги сигнални ўн минут давомида аниқ эшитиб турдим ва плёнкага ёзиб олдим.

Бошқа кўпгина радистлар ҳам космик кема сигналларини ёзиб олишга муваффақ бўлди. (ЎзТАГ).

Совет олимлари жаҳон фани авангардида

АНДИЖОН, 3 январь. (ЎзТАГ). Андижондаги ирригация машинасозлиги заводининг мастери Камолиддин Абдураҳимов Ой томонига кўп босқичли совет ракетасининг учирилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, бундай деди:

— Космик ракета совет кишиларида ўз севикли Ватани учун бўлган ифтихор туйғуларини янада оширди.

— Оқ йўл, деди у, планеталараро учишлар тўнғичининг учирилганлиги халқимизнинг келгуси етти йилликдаги шонли ғалабаларининг бошланишидир.

Бошқа ишчи ва мутахассислар ҳам космос разведкачисининг учирилганлиги тўғрисида Москва радиосининг дастлабки хабарларини эшитиш билан оқ, одатдагидан эртароқ корхонага етиб келдилар. Уларнинг ҳаммаси бу қувончли воқеа ҳақида суҳбатлашиб, жаҳон фани авангардида ишонч билан бораётган совет олимларини табрикладилар.

— Космик ракетанинг учирилганлиги, деди мамнуният билан завод директори З. Гольдинер, совет кишилари учун ҳар қандай орзулар рўёбга чиқарилишини яна бир марта исботлайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ МИНСКГА КЕЛДИ

МИНСК, 3 январь. (ТАСС). Республика пойтахти Минск байрам либосини кийган. Уйларнинг олд томонида СССР, Белоруссия ССР ва қардош республикаларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Биноларда В. И. Ленининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари ўрнатилган. Кўча ва майдонлардаги жуда кўп панно, манзарали бадиий композициялар республиканинг шонли Коммунистик партия раҳбарлигида ўзининг 40 йил давомида эришган ғоят катта муваффақиятларини намойиш қилиб, қудратли Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини акс эттирмоқда.

Белоруссия ССРнинг ва Белоруссия Коммунистик партиясининг 40 йиллигини байрам қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев 3 январда Минскга келди.

Вокзалга Ўртоқ Н. С. Хрушчевни кутиб олиш учун КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Белоруссия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Совети Раиси, Россия Федерациясининг делегациясининг бошлиғи Д. С. Полянский, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси, Украина делегациясининг бошлиғи Д. С. Коротченко, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Латвия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Латвия ССР делегациясининг бошлиғи Я. Э. Калнберзин, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси В. И. Козлов, Белоруссия ССР Министрлар Совети раиси Н. Е. Авхимович, қардош республикалар делегацияларининг бошлиқлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, меҳнаткашларнинг вакиллари келдилар.

Поезд перронга келиб тўхтайди. Вагондан Ўртоқ Н. С. Хрушчев чиқиб келади. Тўпланган кишилар уни гулдурос қарсаклар билан, қизғин, самимий сўзлари билан кутиб оладилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев кутиб олувчилар билан дўстона қўл беришиб кўришади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевга гулдасталар тақдим этилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев, Белоруссия Компартияси ва ҳукумати раҳбарлари, қардош иттифоқчи республикалардан келган меҳмонлар вокзал ёнидаги майдонга чиқиб, машиналарга тушадилар ва шаҳар томон йўл оладилар.

Бутун йўл давомида Ўртоқ Н. С. Хрушчевни байрам либоси билан безатилган кўчаларга байроқлар, шиорлар ва алвонлар кўтариб чиққан меҳнаткашлар қизғин табриклаб турдилар.

Н. С. Хрушчев Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри сардор Муҳаммад Наимни қабул қилди

1959 йил 2 январда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри сардор Муҳаммад Наим Жаноб Олийларини қабул қилди.

Учрашув вақтида Совет томонидан СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири А. П. Павлов ҳозир бўлдилар.

Учрашув вақтида Афғонистон томонидан Афғонистоннинг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Абдул Ҳаким Шаҳоламий ҳозир бўлди.

Дўстона ва самимий суҳбат давомида бундан аввал, 1 январда бўлиб ўтган суҳбат вақтида қараб чиқилган масалаларни муҳокама қилиш давом этди. Фикр олишиш натижасида иккала давлат ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги тадбирлар тўғрисида ҳам, Ўрта Шарқдаги ҳозирги аҳволга баҳо беришда ҳам тўла ҳамжиҳатлик борлиги ва томонларнинг қарашлари бир хил эканлиги аниқланди.

А. И. Микоян АҚШга жўнаб кетди

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян 3 январда самолётда АҚШга жўнаб кетди. А. И. Микоян ўз отпускасининг бир қисмини совет элчисининг меҳмони сифатида АҚШда ўтказади. (ТАСС).

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РСФСР Олий Советига ҳамда РСФСР меҳнаткашлар депутатларининг ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайлов ўтказиш тўғрисида

1959 йил 27 февралда тўртинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг ваколатлари муддати ҳамда 1959 йил 3 мартда РСФСР меҳнаткашлар депутатлари олтинчи чақириқ ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари ваколатларининг муддати ўтиши муносабати билан РСФСР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

РСФСР Олий Советига ҳамда РСФСР меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайлов 1959 йил 1 март якшанба кунига тайинлансин.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ТАРАСОВ,
РСФСР Олий Совети Президиумининг секретари И. ЗИМИН.

Москва, 1959 йил, 3 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кунларига 50 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар ва ҳалол ишлаганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди: Мумтоз Муҳаммедов — ёзувчи, Владимир Александрович Кимельман — Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретарининг ёрдамчиси, Василий Владимирович Петров — Туркистон ҳарбий округининг бўлим бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XIV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маълум қиладики, Ўзбекистон Компартиясининг навбатдан ташқари XIV съезди 1959 йил 7 январь эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилади.

Делегатлар 1959 йил 5 ва 6 январда эрталаб соат 9 дан кеч соат 8 гача Ўзбекистон Компартияси Маркавий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

Тўртинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Тўртинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси эртага 5 январда эрта билан соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

КПСС XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган доклади тезислари умумхалқ муҳокамасида

АГИТАТОР СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН!

Саноатимизнинг кенжа тармоғи

Мамлакатимиз саноатининг кенжа тармоғи бўлган автомобиль саноати 1920 йилнинг биринчи ярмиларидан бошлаб ташкил этила бошланди. 1924 йили Москва автомобиль заводи (ҳозирги Лихачёв номидаги завод), биринчи марта 1,5 тонналик юк автомашиналарини ишлаб чиқара бошлади. Келгуси йили янги Ярославск автозаводи 3 тонналик юк автомашиналарини ишлаб чиқара бошлади. Сўнг мамлакатимизда энг йирик бўлган Горький номидаги автомобиль заводи ишга тушди. Уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда Уралда, Минскда, Ульяновскда, Львовда, Кутаисида йирик автомобиль заводлари қурилди ва ишга туширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз автомобиль саноати бир йилда 500 мингдан кўпроқ, ёки ҳар бир минутда биттадан автомашина ишлаб чиқармоқда. Асосий эътибор юк автомашинасини ишлаб чиқаришга қаратилгандир. 1957 йили ҳаммаси бўлиб 495,4 минг автомашина ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 381,8 мингги юк автомашинасидир.

Йилдан-йилга турли маркадаги енгил машиналар ишлаб чиқариш ҳам кўпаймоқда. Мамлакатимиздаги енгил машиналарнинг ярмидан кўпроғини хусусий машиналар ташкил қилади.

КПСС XXI съездида Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларида етти йил ичида автомобиль ишлаб чиқаришни 1,5-1,7 мартага кўпайтириш ёки 1965 йилга бориб, 750-856 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда.

Давлат ҳисоботини такомиллаштирайлик

Партия ва ҳукуматимиз социалистик халқ хўжалигида раҳбарлик ва контроллик олиб боришда статистиканинг муҳим ролини ҳисобга олиб, статистика органларини қайта ташкил қилиш йўли билан янада такомиллаштиришни кўзда тутмоқда. Статистика халқ хўжалигида давлат раҳбарлигини ҳамда контроллигини амалга оширишда умумлашган ҳисобот ишларини юргизади. Шундай экан, агрономия билимига эга бўлмай қишлоқ хўжалиги соҳасида ва техникавий билимга эга бўлмай саноат соҳасида аниқ маълумот олиш ва контроллик қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, статистика бошқармаларининг район инспектораларида қишлоқ хўжалик соҳасида алоҳида бўлимлар ташкил қилиниб, ҳар бир соҳада ўз мутахассислигига эга бўлган кадрлар ишлаганда халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида давлат контроллигини яхши йўлга қўйилган бўлар эди. Шунингдек статистика ўқув юртларида ўқиётган студентлар агрономия ва техникавий предметлардан ўз мутахассислиги учун зарур билимни эгаллаб олсалар, амалий ишда анча қулайлик туғилади.

Ш. КАРИМЖОНОВ,
Тошкент область Статистика Бошқармасининг Бўка район инспектори.

Газеталар саҳифаларида

НА СТРОЙКЕ

«Алмалик с в и н е ц с т р о й» трестининг коллективи самарали меҳнат қилиб, қурилиш-монтаж ишларини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар. Кейинги йиллар ичида 200 минг квадрат метр ҳажмида турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Келгуси етти йилликда, — деб ёзади трест план бўлимининг бошлиғи Ўртоқ А. Волех «На стройке» газетасида, — қурилиш ишлари янада кўпаяди. Бу вақт ичида коллективимиз бир ярим миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Бу эса ўтган 8 йилликда қилинган ишларга қараганда 1,5 баравар кўпдир. **Келгуси йилда ТЭЦ тўла қурилиб битади. Яқин вақт ичида Оҳангарон цемент заводи қурилишига киришиладиШу билан бирга Олмаликда катта мебель фабрикаси қуришни бошлаб юбориш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 1960 йилда эса бойитиш фабрикасининг биринчи навбат қурилиши ишга туширилади.**

* * *

Текстильщик — **Узбекистонда,** — деб ёзади Тошкент тўқимачилик институтининг доценти Ўртоқ А. Сутормин кўп тиражли газетада, — **капрон чодирлари ишлаб чиқариш корхонаси қуриш мақсадга мувофиқдир.** Бу эса пахта қуритиш сушилкаларида ва хирмонларда кўплаб соявонлар қуриш имконини берар эди.

Республикамизда энергия хўжалигини мустахкамлашда ёритув арматурлари ва автомат аппаратлари ишлаб чиқарадиган заводни қуриш катта аҳамиятга эгадир.

— **Шунингдек,** — деб давом этади Ўртоқ Сутормин, — **завод ва фабрикалар қошида зажигалкалар ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил қилмоқ керак.** Кўплаб зажигалкалар ишлаб чиқариш мамлакатимизда йилига гугурт тайёрлашга сарфланаётган ёғочнинг камида 450 минг кубометрини тежашга имкон беради. Ваҳоланки, бундан минглаб эшик, ром ва бошқа қурилиш материаллари тайёрлаш мумкин.

* * *

АНГРЕНСКАЯ ПРАВДА

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган доклади тезисларида кўмир корхоналарига катта аҳамият берилган,— деб ёзади кон устини очиш разрези партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Р. Виноградова. — **Биз разрез хўжуридаги 2 та механика устахонасини марказий ремонт заводи ихтиёрига топшириш таклиф қиламиз.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг етти йилликдаги вазифалари

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор етти йиллик программасида саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш соҳасида жуда катта ўзгаришлар кўзда тутилган. Ўзбекистон республикаси олдида ҳам жуда катта вазифалар турибди.

Республика электростанциялари қуватини ошириш йўлидаги ишлар суръати тезлаштирилади. Цемент ишлаб чиқариш тўрт марта ошади. Яқинда топилган Бухоро гази билан шаҳар ва қишлоқларнинг турар-жойлари, корхоналари таъминланади. Бухоро гази Ўрол ва Сибирдаги саноат марказларига ҳам бориб етади.

Қурилиш соҳасидаги бу суръат ва кўламни дунёдаги биронта мамлакат кўрган эмас. Коммунистик партия раҳбарлигида фидокорона меҳнат қилаётган совет халқи коммунизмнинг порлоқ чўққилари сари улуғвор қадамлар билан олга бормоқда.

Бутун халқ хўжалигини ҳамма соҳалар бўйича ривожлантиришда совет фани, айниқса унинг табииёт фанлари жуда катта роль ўйнаши керак. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг етти йиллик план ҳақидаги тезисларида табииёт фанлари соҳасида физика фани етакчи ролни ўйнайди, ана шу фаннинг тез ривожланиши халқ хўжалиги ва фаннинг бошқа соҳалари равнақ топишига сабаб бўлади, техника прогрессининг бундан буён ривожланиши эса даставвал физика фанининг муваффақиятлари билан ўлчанади, деб кўрсатилиши ҳам бечиз эмас.

Партия ва ҳукуматимиз қарорларида Ўзбекистонда фанни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилган. Ана шу планга мувофиқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энг муҳим соҳалари янада ривожланади. Янги илмий-текшириш институтлари қуриш ишига 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

1960 йилда атом реактори, қудратли циклотрон, тезлатгичлар ва бошқа энг янги асбоб-ускуналар билан қуролланган, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлларини топиш масалалари билан шуғулланадиган Ядро физикаси институти қурилиши тугалланади. Янги ташкил этилган бу институт ҳозирнинг ўзидаёқ изотоплар ва ядро нурланишларидан саноатда, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш проблемаси билан боғлиқ бўлган барча ишларга бошчилик қилмоқда, ядро физикаси ва атом энергиясидан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш масалалари устида кенг назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бораётир. Ипак қуртини гамма нурлари билан ишлаш ва унинг нурларидан техникада фойдаланиш соҳасидаги ишлар катта аҳамиятга эга. Институт бундан кейин ҳам халқ хўжалиги ва бошқа илмий-текшириш институтларида кенг қўлланиладиган янги асбоблар, радиоактив изотоплари билан ишлайдиган буюмлар ва нур тарқатувчи ускуналар ишлаб чиқаради. Ядро физикаси институти шарқдаги ҳамма асбоб-ускуналар билан қуролланган энг яхши йирик илмий марказ бўлиб қолади. Ҳозир институт лабораториялари республикамиз, Ўрта Осиё республикалари олимлари ишламоқдалар. Яқин келгусида бу ерда чет эл олимлари ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар.

Яқин йиллар ичида физика-техника институтида олиб бориладиган илмий ишлар ҳажми жуда кенгаяди. Бу институтнинг илмий маҳсулотлари Бутун иттифоқимизга маълум. Бу ерда юқори вольтли электр випрямителлар яратиш соҳасидаги ишлар катта перспективага эга. Шунингдек пахтанинг намлигини ўлчайдиган янги электрон асбоблар ишланди. Ўруғларнинг сифатини аниқлайдиган асбоблар яратиш, пахта заводларида момиқни ажратувчи мукаммал машиналар барпо қилиш соҳасидаги ишлар муваффақиятли бормоқда.

Академиянинг Математика ва механика институти ҳозирги вақтда математик статистикаси соҳасида жиддий назарий тадқиқотлар билан бирга эҳтимол назарияси ва механика соҳасида халқ хўжалиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни ҳам қилаётир. Институтда иш унуми юқори бўлган янги пахта териш машинасини конструкция қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан назарий ҳамда экспериментали ишлар давом эттирилмоқда. Институтда тайёрланган ҳисоблагич марказ тўла қуввати билан ишга туширилди. Бу марказ ёрдами билан саноатни тўғри эксплуатация қилиш ва лойиҳалаш ишлари жуда енгиллашади.

Ўз лабораторияларида пахта териш машиналарининг янги мукаммал нусхаларини муваффақиятли равишда ишлаб чиқа олган механиклар группаси базасида алоҳида механика институти барпо этилади. Бу институт янги мукаммал аппаратура билан қуролланади ва кучайтирилган конструкторлар бюросига эга бўлади. Бу соҳадаги олимларнинг самарали ишлаши натижасида пахта далаларидаги қўл меҳнатига бутунлай ўрин қолмайди.

Академиямизнинг астрономлари вақт, қуёш, осмон жисмларини ўрганиш, ернинг сунъий йўлдошларини кузатиш соҳасидаги ишларини янада чуқурлаштирадиган ва космик фазони эгаллаш соҳасидаги тадқиқотларни кучайтирадилар.

Етти йилликда техника ва геология фанлари бўлимлари институтларининг илмий-тадқиқотлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Геология институтининг олимлари ўз тадқиқотларида Ўзбекистон ва Ўрта Осиё геологик тузилишини ўрганиш ва баён қилиб бериш масалаларига катта эътибор берадилар, фойдали қазилмаларни қидириб топишнинг янги методларини ишлаб чиқадилар.

Академиямизда яқинда махсус полимерлар институти ташкил этилади. Унинг лабораториялари жойлашадиган корпусда қурилиш ишлари олиб борилади. Химикларимиз ҳозирги замоннинг энг янги асбоб-ускуналари билан қуролланган фан кабинетларига эга бўладилар. Бу институт олимларининг тадқиқотлари сунъий тўқима, жун, чарм сингари материаллар ишлаб чиқаришда газдан фойдаланишга хизмат қилади.

Энергетика институти зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланган. Бу ерда иссиқлик ва электроэнергетика системасини рационал равишда ривожлантириш, табиий газлардан электр қуввати олишда фойдаланиш проблемалари ишлаб чиқилмоқда.

Академия Сув проблемалари ва гидротехника институтини қуриш ва ускуналаш ишларини тугалламоқда.

Тупроқшунослик институти илмий ходимлари ҳам ана шу проблемаларни ҳал қилишга ёрдам берадилар. Бу институт янги методлардан, жумладан радиоизотопларидан фойдаланиб, Ўзбекистондаги экин экилаётган ва ўзлаштириладиган ерларнинг тупроғини ўрганади, ернинг шўрини ювиш, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш масалаларини ҳал қилади.

Академиянинг биология фанлари бўлими тобора ривожланиб бораётган Генетика, Зоология, Ботаника институтлари орқали ўсимлик ва ҳайвон навларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал қилади, наслчилик, унга муҳитнинг таъсири каби муҳим масалалар билан шуғулланади.

Фаннинг барча соҳаларини илғор марксча-ленинча революцион назариясиз, жамиятнинг тарихи, ҳуқуқи, экономикаси билан боғлиқ фанларни ривожлантирмасдан туриб тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам республика Фанлар академияси етти йилликда ижтимоий фанларни янада ривожлантиришга, гуманитар ва табиий фанлар Ўртасидаги алоқани кучайтиришга алоҳида эътибор беради.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим министрлик ва идоралар академиянинг ролига яхши тушуниб етган эмаслар. Ҳали ҳам **академиямиз етарли моддий-техника базасига эга эмас. Академия тажриба заводи ўнда турсин, ҳатто устахоналарига ҳам эга эмас.** Шунинг учун ҳам институтлар ишлаб чиқаётган тадқиқотлар ишлаб чиқаришга жорий қилингунча жуда кўп сансалорликка, оворагарчиликка учрайди. Масалан, бир неча йил бурун ишлаб чиқилган, текширилган ва тасдиқланган «Ўзбекистон» деб аталувчи намликни ўлчайдиган аппарат Таганрогдаги заводда тайёрланмоқда. Ваҳоланки бу аппаратни академияга қарашли заводда тайёрлаш керак эди. **Академия бой моддий-техника базасига, тажриба заводига эга бўлиши лозим.**

Академиянинг айрим илмий ходимлари, олимлари учун етарли моддий ва маданий иш шароити яратиб берилмаган. Бу камчилик тугатилиши керак. **Академиянинг кўлгина институтлари иш майдонларини кенгайтиришлари зарур. Улка медицинаси, Полимерлар институтлари ишмайдонига эга эмаслар. Бу нуқсонлар ҳам бартараф этилиши лозим.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 4 минг кишилик коллективи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик программасида кўрсатилган улуғвор масалаларни ва фаннинг муҳим проблемаларини ҳал қилишга бутун куч-қувватини ва ғайратини сарфлашга ҳаракат қилади.

С. СТАРОДУБЦЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти.

Техникадан унумли фойдаланиш — муҳим вазифа

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларида Ўзбекистон ССР да қишлоқ хўжалигининг барча асосий тармоқларини кенг ривожлантириш, биринчи навбатда пахтачиликни юксалтиришнинг программаси чизиб берилган.

Бу вазифани муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан ердан, сув ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланиш, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг меҳнат унумдорлигини янада оширишимизга боғлиқдир.

Демак шундай экан, ҳозирги пайтда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишнинг асосий шарт-шароитларидан бири қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларидаги меҳнат процессларини кенг механизациялаштиришдан иборатдир.

* * *

Областимизда фойдаланиладиган ер кўп. Бироқ ана шу майдонларнинг ҳаммасидан унум олинмаётир. Бизда ўзлаштирилиши лозим бўлган катта-катта майдонлар бор. Бу ерларда зарур ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириб, экин майдонларини кенгайтириш лозим.

Кўпгина далаларда ерлар рельефига қараб текисланмаган. Бу ҳол суғоришни қийинлаштиради, тупроқнинг текис намланишига халақит беради, натижада ўсимлик сувга яхши қонмайди, ҳосилдорлик камайиб кетади.

Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, эскидан суғорилиб келаётган ерлардан фойдаланишни қатъий тартибга солиш — пахтанинг ялпи ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини оширишнинг асосий резервларидан биридир.

Ҳозирги пайтда «Главголодностепстрой», «Узводстрой»нинг кучи билан область территориясида катта ирригация-мелиорация ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги ерлар ўзлаштирилади. Шунингдек эскидан суғорилиб келинаётган ерларда сизот сувларни камайтириш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин ҳали эскидан суғорилиб келаётган ерларда хўжаликлараро ва ички хўжалик аҳамиятига эга бўлган майда ирригация-мелиорация объектларини қуриш, бу ишларни ташкил қилиш масаласи узил-кесил ҳал қилинган эмас. Ваҳоланки бу, кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Боёвут, Октябрь, Ўрта Чирчиқ районларидаги ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда қўшимча коллектор-зовурлар қуришни тезлаштириш зарур, шундай қилинсагина баъзи бир бригадалар ва участкаларда ҳосилдорлик яна ҳам ортади.

Бу ишларни машина-экскаватор станциялари бажариши кўзда тутилади. Лекин тажриба бунинг нотўғрилигини кўрсатмоқда. Машина-экскаватор станцияларининг тармоғи кенг эмас, уларда зарур миқдордаги механизмлар йўқ, шунинг учун машина-экскаватор станциялари одатда энг катта ва муҳим объектлардаги ишларнигина бажарадилар.

Хўжаликларнинг ўзидаги партов ерлар, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларни текислаш ишлари ҳам ёмон аҳволда.

Бу ишларни бажариш унчалик кўп механизмларга эга бўлмаган РТС зиммасига юклатилган. Бироқ шундай қилиб ҳам ижобий натижаларга эришилмаётир. РТСлар томонидан бажарилган ер қазиш ишларини анализ қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг техникаси шолипоя поллари, далаларни экишдан олдин текислаш, траншеяларни кавлаш ва бошқа шунинг сингари иккинчи даражали хўжалик ишларини бажаришда фойдаланилади. Янги ерларни ўзлаштириш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларни текислаш ишларига эса ҳаддан ташқари кам эътибор берилади.

Проектлашнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ўтказилмаслиги ер кавлаш техникаларидан фойдаланишга салбий таъсир қилмоқда. Ерларни текислаш, майдонларни кенгайтириш каби ишларнинг проекти сув хўжалиги органларида тузилади. РТСларнинг машинаси кўпинча техника ҳужжатларининг йўқлиги туфайли бекор туриб қолади ва улардан асосан иккинчи даражали ишларни бажаришда фойдаланилади.

РТСларимизда айрим механизмларнинг етарли эмаслиги натижасида катта-катта ишларни бажаришда ҳар хил қийинчиликлар бўлиб туради. **Буларнинг ҳаммаси катта-катта хўжалик группаларига хизмат қила оладиган йирик машина-мелиоратив отрядларини тузиш масаласи зарур эканлигини кўрсатмоқда.**

Бу отрядларни РТС ёки уларнинг бўлимлари базаларида тузиш мақсадга мувофиқдир. Мелиоратив текислаш отрядларини бульдозерлар, скреперлар, грейдерлар, унчалик катта бўлмаган экскаваторлар, ер қазийдиган машиналар, ҳар хил турдаги плуглар ва бошқа зарур машиналар билан таъминлаш керак, токи, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириб, экин майдонларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган барча комплекс ишларни бажариш имкониятига эга бўлсинлар. Машиналарнинг сони уларнинг яқин 3-4 йил ичида бажарадиган ишларининг ҳажмига қараб белгиланиши лозим.

Ишчи кучларидан, техникадан маневр қилиб фойдаланишни таъминлаш мақсадида отрядлар трайлерларга эга бўлишлари керак. Шундагина бир машинани хизмат қилинаётган зонанинг хоҳлаган ерига тезликда элтиб бериш мумкин бўлади. Отрядларда дала вагончалари ва палаткалари ҳам бўлиши талаб қилинади.

Отрядларнинг иш фаолияти йиллик планга ва давларга бўлиб тузилган графикларга мувофиқлаштирилиб белгиланади. Иш колхоз ва совхозлар билан ўзаро шартнома асосида, хўжалик ҳисоботи асосиза бажарилади.

Бизнинг областимизда отрядларни собиқ МТСлар: 2-Қуйи Чирчиқ МТСи базасида, 2-Бўка МТСи базасида, 1-Сирдарё МТСи базасида ташкил қилиш мумкин.

Бу отрядларга раҳбарлик қилишни область қишлоқ хўжалиги бошқармаси ёки суғориш системаси зиммасига топшириш мақсадга мувофиқдир.

* * *

Кейинги йилларда пахтанинг ялпи ҳосили ошиши муносабати билан ҳосилни йиғиб олиш проблемаси катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Терим ишларига шаҳар аҳолисини жалб қилишдаги ҳозирги тажриба шубҳасиз муассасалар, корхоналар, ўқув юртларининг ишига катта зарар келтиради. Бундан колхозлар ҳам зарар кўрадилар, колхозларда ишлаб чиқариш харажатлари кўпайиб кетиб, етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархи қимматлашади.

Бу аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир йўли ҳосилни механизация воситаси билан йиғиб-териб олиш ишини қатъий йўлга қўйишга эришишдан иборатдир.

Бунинг учун биринчи навбатда терим ишларини планлаштиришни яхшилаш зарур. Машинада терилади-ган майдонларни белгилаш, терим техникасини тақсимлаш каби ишларни колхозларнинг ишчи кучлари билан қай даражада таъминланганликларига қараб ўтказиш керак. Ҳар бир хўжалик пахтани машинада териш ишини қўлда териш билан узвий боғлаб олиб бориши, четдан имконияти борича кам куч жалб этиб, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишни таъминлаши лозим.

Ишчи кучи етарли бўлмаган колхозларда меҳнат ресурслари кўп бўлган колхозларга қараганда ҳосилни машинада териб олишга катта аҳамият берилиши лозим.

Пахта териш методларини бирбирига қарама-қарши қўйиш чигаллиларга олиб келади. Айрим пайтларда машинада териш учун ажратилган ерларнинг пахтаси қўлда териб юборилади. Буларнинг ҳаммаси терим ишлари графигининг бузилишига, пахта тайёрлаш суръатининг сусайиб кетишига олиб келади.

Шунинг учун, бизнингча, пахтачилик хўжаликларида ишчи кучларининг етарлилигини ҳисобга олиб, дастлабки даврда ҳамма ерда пахтани қўлда териб олишни ташкил қилиш тўғри бўлур эди. Кейинроқ, барча далаларда пахта қийғос очилганида пахтанинг бир қисмини машинада териб олишни ташкил қилиш, планнинг бажарилишига эришиш керак. Бу даврда пахтаси машинада териб олиш учун ажратилган майдонларда ҳосилни қўлда териб олишни қатъий ман қилиш талаб қилинади.

Ўзанинг баргини тўкиш соҳасида ҳозирги пайтда қўлланилаётган методни ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш вақти келди. Тажриба шуни кўрсатдики, далаларни цианамид кальций билан дефолиация қилиш об-ҳаво шароити яхши келиб, ўсимлик нормал ривожланган йилларгина ижобий натижалар беради. Бундай йилларда ўсимлик ҳаво илиқ бўлган кунларда — сентябрнинг биринчи яримларида чанглатилади, бу дорининг яхши таъсир қилиши учун асосий шарт ҳисобланади, энг муҳими шуки, ҳосилга зарар етказилмайди. Об-ҳаво шароити ноқулай келиб ўсимлик кеч ривожланган йилларда эса дефолиация эрта муддатларда ўтказилса ҳосил элементларининг бир қисми нобуд бўлади, дефолиация кечикиб, яъни сентябрнинг иккинчи ярмида ўтказилганида эса ҳеч қандай фойда бермайди.

Шунинг учун ғўзанинг баргини тўкишда диссикация методи (пурнаш)ни асосий метод сифатида қабул қилиш тўғри бўлур эди. Бу иш сентябрнинг охирларида ёки октябрь ойининг бошларида ўтказилади. Катта-катта майдонлардаги ғўзаларнинг барги диссикация йўли билан тўкилса, пахта териш машиналарининг кенг қўламда ишга тушириб юборилиши учун зарур шароит ҳосилланади.

Октябрь ойида мумкин қадар катта-катта майдонлардаги пахталарни машинада териб олиш учун ҳаракат қилиш лозим: пахта териш машиналари ишлатилган майдонларда кўрак териш машиналарининг ишлаши учун зарур шароит вужудга келади.

Пахтани машинада териб олишни ташкил қилиш юзасидан қилинган юқоридаги таклифлар қуйидаги афзалликларга эга:

биринчидан, терим ва пахта тайёрлаш суръати сентябрь ойида ҳам сусаймайди;

иккинчидан, химикатларнинг вақтида қўлланилмаслиги туфайли ҳосилнинг нобуд бўлишидан бир қадар қутилиш мумкин бўлади;

учинчидан, октябрь ойида пахта териш машиналаридан тўла фойдаланиш таъминланади;

тўртинчидан, кўрак териш машиналарининг яхши ишлаши учун замин ҳозирланади. Бу ҳол йиғимтеримни тезроқ тугаллаб, ноябрь ойининг биринчи ярмиданоқ шудгорлашни кенг кўламда кучайтириб юбориш имкониятини беради.

Пахтани машинада териб олиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини планли равишда камайтира бориш, етиштириладиган ҳар бир центнер маҳсулотнинг таннархини камайтириш, колхозчиларнинг даромадини кўпайтириш, шунингдек мавжуд пахта териш машиналари конструкциясини яхшилаш юзасидан бир катор ишларни амалга ошириш имкониятини беради.

Пахтаси механизация воситасида териб олинадиган далаларни тайёрлаш тўғрисида ҳам баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтамиз. Бу масалада ҳам маълум бир аниқлик йўқ. Ҳамма инструкцияларда пахтаси машинада териб олиниши лозим бўлган далаларнинг ғўзаси алоҳида парвариш қилиниши, туплари унчалик ўсиқ бўлмаслиги, ҳосили мўл бўлиши ва эрта етилиши керак, деган талаблар илгари сурилади. Бундан пахтаси машинада териб олишга ажратилган далаларда ғўзани алоҳида, қолган далаларда ғўзани бошқача йўл билан ҳам парвариш қилиш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Баъзи бир ходимлар эса машинанинг яхши ишлашини таъминлаш учун, ажратилган майдонлардаги ғўзаларнинг бирмунча суст ривожланиб, суғоришни кечикиброқ ўтказиб, пахтанинг ялпи очилишига эришиш, бошқача қилиб айтганда ҳосилдорликни камайтириш йўлидан боришни таклиф қиладилар.

Бу албатта нотўғри. Биз ҳамма вақт пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашиб келмоқдамиз. **Гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун ҳамма хўжаликларда ҳам ўсимликнинг бўйи 90 — 100 сантиметр бўлишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга зарур миқдордаги ҳосил элементларининг тўпланишига эришиш керак. Пахта териш машиналари ҳам ана шу шароитларга мосланиши талаб қилинади.**

Пахта териш машиналарининг конструкциялари ҳақида бир неча оғиз сўз. Терим сифатини яхшилаш ва нобудгарчиликни камайтириш мақсадида пахта териш машиналари махсус гусеницали (ёки ярим гусеницали) тракторларга тиркалиб ишлатилса яхши бўлар эди, бу ғўза ўсиқ бўлган тақдирда ҳам агрегатларнинг бемалол кириб чиқишини таъминлайди.

Бундай тракторларда иш органларини олди қисмига жойлаштириш керак, токи агрегатлар юрганида пахта ҳосилини тўкиб ерга тушириб юбормасин. Бундан ташқари гусеницали тракторнинг афзаллиги шундаки, у агрегатдан мумкин қадар унумли фойдаланишни таъминлайди.

Юқорида айтиб ўтилган масалаларни ижобий ҳал қилиш пахта ҳосилини янада кўпайтириш ва барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш вазифасини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари:

Я. БЕРСУДСКИЙ,
П. АЗОТЬЯН.

Қишки дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, мўл ҳосил учун ҳозирдан пухта замин яратайлик!

☆ ☆ ☆

Чиноз районидаги Сталин номли колхозда дала ишлари кун сайин кучайтирилмоқда. Суратда: ерни шудгор қилиш пайти. (Доираларда, чапдан) трактор чи Ҳусан Алимов, унинг ёрдамчиси Ҳусан Ражабов ўртоқлар.

С. Рихснев фотоси.

☆ ☆ ☆

Илғорлар даласида

Киров номли колхознинг коммунист ўртоқ Полюнина бошлиқ бригадаси даласидамиз. Бу ерда иш қизғин эди. Қай томонга қараманг, астойдил меҳнат қилаётган кишиларни учратасиз: механизаторлар ўз агрегатларини дадиллик билан бошқариб, сўнгги гектар ерларни шудгор қилмоқдалар. Ён томондаги картада эса бир гуруҳ колхозчилар чуқурликларга гўнг кўмишаяпти, ариқ-зовурларни тозалаётган кишиларни ҳам учратасиз.

Бригада бошлиғи ҳам шу ерда экан. У дала ишларининг амалга оширилишини, сифатини текшириб ҳамма ишга чинакам раҳбарлик қилиб юрибди.

— Ўтган йили, — дейди бригадир ўртоқ Полюнина, — 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириб, планни ошириб бажардик, ерларимиз кузда шудгор қилинганлиги, чигит экиш, ғўза парваришида агротехника қоидаларига қатъий риоя қилганлигимиз туфайли ҳосилимиз мўл бўлди. Бу йил ҳам шудгорлашни сифатли ўтказиш учун курашмоқдамиз.

Сўнгра бригадир колхозчиларнинг бу йилги ҳаракати бошқача эканлиги, пахта майдони бирмунча кенгайтириб, ҳосилдорлик оширилажаги тўғрисида гапириб берди. Ҳозирга қадар бир неча гектар бўз, партов ерлар, уватлар текисланиб, бригаданинг пахта майдонига қўшилибди.

Киров номли колхозда мохир механизаторлар кўп экан. Улар ҳозирги куннинг ҳар бир соатини қимматли билиб фидокорона меҳнат қилаётирлар. А. Сарёв, В. Черних ўртоқлар шулар жумласиндир. Бу ҳар икки мусобақадош кунига 10-11 гектардан ерни шудгор қилишяпти.

Тўлаган Анорбоев, П. Петеренко каби механизаторлар ҳам улардан қолишмайди. Шу азамат фидокорларнинг меҳнати туфайли колхозда шудгорлаш ишлари кучайтирилган, экин майдонлари кенгайиб бормоқда.

Т. ИМОМОВ.

Октябрь райони.

Топшириқ ортиғи билан бажарилмоқда

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг аъзолари, механизаторлари шудгорлашни барвақт тугаллаб, қўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш учун курашмоқдалар. Механизатор Ҳайдарали Норқулов ғўзапоядан тозаланган ерларни сифатли ҳайдаб, ўз тенгдошларига ўрнак бўлмоқда. У кунига 10-12 гектар ерни шудгор қилаётир. Тракторлар сифатли ремонт қилинганлиги, метанизаторларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратиб берилганлиги туфайли ҳам ер ҳайдаш юзасидан белгиланган кундалик топшириқ ортиғи билан бажарилмоқда.

Ўртоқ Қўлдош Алиев ҳам илғор механизаторлардан ҳисобланади. Ғўза парвариши даврида ҳаммага ўрнак кўрсатиб ишлаган бу трактори мўл ҳосилга замин яратилаётган шу кунларда ҳам нормасини ортиғи билан бажарайтир.

Охунбобоев номли колхоз аъзолари шудгорлашни тез кун ичида тугаллаб, техникани кўкламга тахт қилиб қўйиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

А. ҚАРШИБОЕВ.

Тараддуд

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз далаларида ҳам иш қизғин. Колхоз мавжуд техникани ишга солиб, мўл ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ерда шолидан, полиз экинларидан бўшаган, шунингдек алмашлаб экиладиган ерлар юқори сифатли шудгор қилиб қўйилди.

Тракторчилар бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб, топшириқнинг сифатли бажарилишига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу соҳада ДТ-54 тракторида ишловчилардан Ж ўрабой Азаматов ва Азамат Саримсоқов ўртоқлар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири камида 350-400 гектар ерни шудгорлаш юзасидан конкрет мажбурият олган ҳолда меҳнат қилаётирлар.

Н. ШЕРБЕКОВ.

Пискентда нима учун шудгорлаш суръати паст?

Ўтган йили районнинг қатор колхозларида ҳам, «Пискент» совхозида ҳам пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири, кузги шудгорнинг кечикиб кетганлиги ва кўклам дала ишларининг ўз вақтида амалга оширилмаганлигидир. Район пахтакорлари ўтган йили йўл қўйилган ана шу камчиликларнинг тўғри хулоса чиқариб, шу кеча-кундузда барча куч ва техника воситаларини дала ишларига тўла сафарбар этишлари, ерларни ғўзапоялардан тозалаб, шудгорлашни жадаллаштириб юборишлари керак эди.

Колхозларда ҳам, совхозда ҳам бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Техника етарли. Бироқ ана шу имконият ва техникадан талабга жавоб беларли даражада фойдаланилаётгани йўқ. Шу кунга қадар ҳосили батамом йиғиштириб олинган бир неча минг гектар пахта майдони ғўзапоялардан тозаланган эмас. Ғўзапоя юлиш машиналаридан ҳаддан ташқари унумсиз фойдаланилаётганлиги, бу соҳага етарли ишчи кучлари ажратилмаганлиги натижасида ана шундай кўнгилсиз аҳвол юз бермоқда.

Райондаги Жданов номли колхозда бу йил 750 гектар ерга чигит экилиши керак. Раҳбарлар меҳнатни тўғри уюштириб, механизаторларга қулай иш шароити яратиб берганларида, контроллик ва талабчанликни кучайтирганларида эди шу кунгача фақат 196 гектар эмас, ҳеч бўлмаганда пахта майдонининг 60-70 проценти сифатли шудгор қилинган бўлар эди.

Колхозда 6 та ҳайдов трактори бор. Бу тракторларнинг ҳаммаси нормал ишлаяпти. Бир кун унинг биттаси бузилса, иккинчи куни арзимаган баҳоналар билан иккитаси ишламайди. Бунинг устига механизаторлар ҳам ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, нормаларини бажармаётирлар. Улар хоҳлаган вақтларида тракторни юргизадилар. Ҳушларига келмаса техникани дала четига чиқариб қўйиб, ўзларининг шахсий ишлари билан шуғулланадилар. Бунга қарши на колхоз правлениеси ва на бошланғич партия ташкилоти чора кўради.

Райондаги Хрушчев номли, Сталин номли, Ворошилов номли, Энгельс номли колхозларда ҳам аҳвол худди ана шундай. Хрушчев номли колхозда битта ДТ-54 трактори арзимаган деталь етишмаганлиги учун бир неча кун бекор турди. Агар колхоз правлениеси шудгорлашни барвақт гамомлаш ҳақида қайғирганида эди, бу детални даҳол топиш ва тракторни ишга туширишдан юбориш мумкин бўлар эди. Колхозда механизаторларнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб берилмаган. Уларга плугаторлар бириктирилмаган. Ёнилги ва сув билан таъминлаш ҳам аянчли аҳволда. Механизаторларни иссиқ кийимлар билан таъминлаш у ёқда турсин, ҳатто иссиқ овқат ҳам қилиб берилмаяпти. Йўл қўйилаётган ана шундай камчиликлар натижасида 720 гектар ернинг эндигина 205 гектари шудгор қилинди.

Ҳаммадан ҳам ўртоқ А. Турғунов раислик қилаётган Сталин номли колхозда аҳвол ачинарли. Бу колхозда ерларни ғўзапоялардан тозалашга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Баъзи колхозчиларгина «ўтин» керак бўлиб қолган тақдирда далага чиқиб икки-уч бог ғўзапоя юлиб қайтадилар. Ана шунинг натижасида шудгорлаш ҳам ҳаддан ташқари кечикаётир. Мавжуд тракторлар учун тайёр ер бўлмаганидан кейин, кўнгилсиз аҳволнинг юз бериши турган гап. Колхоз бўйича эндигина 98 гектар ер шудгор қилинди. Раҳбарлар буни билатириб, ишни жадаллаштириб юбориш ўрнига дўппиларини яримта қилиб юрибдилар.

Колхозларда шудгорлашнинг кечикишига РТС директори Ваксман, бош инженер Ким ўртоқлар ҳам айбдордирлар. Чунки улар колхозларнинг тракторларини вақтида ремонт қилиб беришга, етарли запас қисмлар билан таъминлашга эътиборсизлик билан қараётирлар. РТС паркида ҳалига қадар бир неча трактор ремонт қилинмай ётибди.

«Пискент» совхозида 6 минг гектар ердан ҳозиргача 1800 гектари шудгор қилинди, холос. Бунинг асосий сабаби нимада, ёки техника етишмайдими? Йўқ, гап унда эмас, ҳамма гап бор техникадан тўла ва тўғри фойдаланилмаётганлигида. 30 та трактордан қариб 7-8 таси арзимаган сабаблар билан ишлатилмаяпти. Совхознинг 3-бўлимида 1 та ДТ-54 трактори икки кунгача ишламади. Бунинг сабаби сўралганда механик ўртоқ Осипов осон жавоб билан қутилмоқчи бўлди. Яъни тракторнинг қандайдир қисми ишдан чиққан эмиш. Маълум бўлишича бу ишдан чиққан қисм ўрнига бошқа қисм топиш ва уни жойлаштириш учун ҳаммаси бўлиб икки соат вақт кифоя экан, холос. Ўз-ўзидан маълумки, механик ўртоқ Осиповнинг ўтакетган даражада ишёқмаслиги, ўзбилармонлиги туфайли трактор ишга туширилмаган.

Совхознинг 6-7-8 бўлимларида ҳам шудгорлаш суръати паст бўлиш билан бирга, унинг сифати ҳам ёмон. Ерлар 18-20 сантиметр чуқурликда шудгор қилинаяпти. Совхоз раҳбарлари бунга қарши ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. Улар ишга бўлса-бўлар, бўлмаса говлаб кетар қобилида раҳбарлик қилмоқдалар. Раҳбарлар лоақал ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмай, ер чизиб қолганликлари ҳақида озгина бўлса ҳам ўйлаб кўрганларида эди, бундай нуқсонларга йўл қўймаган бўлар эдилар, албатта.

Совхоз бўйича ҳали яна 4 минг гектардан ортиқ ер шудгор қилиниши лозим. Совхоз раҳбарлари ҳам, район раҳбарлари ҳам мана шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак. Улар шудгор мўл ҳосил гарови эканлигини ҳеч қачон унутмасликлари, бу йил ўтган йилги хатоларнинг такрорланмаслиги учун астойдил курашишлари лозим.

А. ЭШОНҚУЛОВ.

Механизаторлар ғайрати

Колхоз правлениесида шудгорлаш ишларини бажаришда механизатор ўртоқ Абдикарим Мавлонов юқори кўрсаткичларга эришмоқда, у ҳаммага намуна бўлиб меҳнат қилаётир деб айтишди.

Биз Абдикарим Мавлоновнинг 5-бригада даласида С-80 маркали тракторни моҳирлик билан бошқариб, фидокорона меҳнат қилаётган бир пайтда учратдик. Трактор пайкал бошига келиб, чап томонга бурилгач, бироз юриб тўхтади. Механизатор Абдикарим ака трактордан сакраб ерга тушар экан, биз билан қадрдонлардек сўрашди.

Механизатор бизга ишни қандай ташкил қилганлиги, қандай тадбирларни амалга ошираётганлигини гапириб берди. У шу кунга қадар 200 гектарга яқин ерни сифатли шудгор қилибди. Ишни икки сменада ташкил этиб, трактордан унумли фойдаланаётганлиги туфайли ҳам ана шундай юқори кўрсаткичларга эришаётир.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам бўлдик. Ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, шудгорлашда яхши натижаларга эришаётган механизаторларни ҳар бир бригадада ҳам учратиш мумкин эди. Нажим Зарипов, Қўзибой Обидов, Давлат Алибоев каби меҳнатсеварлар шулар жумласиндир. Уларнинг ҳар бири кунига 11-12 гектардан ерни шудгор қилаётир. Меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришаётгани учун колхоз правлениеси бу илғор механизаторларни яқинда қиммат баҳо буюмлар — қўл соатлари, иссиқ қишки кийимлар билан мукофотлади. Ана шу азаматларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача колхознинг 750 гектардан ортиқ майдони шудгор қилиб бўлинди.

Киров номли колхоз аъзолари келгуси йилга тайёргарлик ишларини кун сайин кучайтирмоқдалар, бу соҳада илғор механизаторларнинг роли катта бўлаётир.

Х. МУҚИМОВ,

Оржоникидзе райони.

Кўкламга қизғин тайёргарлик

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари кўклам экиш кампаниясига ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шудгорлаш, маҳаллий ва минерал ўғит тўплаш ишлари кун сайин кучайтирилмоқда. Ўртоқ Мажид Усмонов бошлиқ трактор бригадаси аъзолари шудгорлашни сифатли ўтказиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Тракторлар сифатли ремонт қилинганлиги, улардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли иш унумли бўлаётир. Механизаторлар кунига 9 — 9,5 гектардан ерни шудгор қилиб, нормаларини 140 — 150 процентга етказиб бажармоқдалар. Шу фидокор механизаторларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари туфайли чигит экиладиган 1700 гектар ернинг 1000 гектардан ортиғи шудгорланди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 350 килограммдан фосфор ва кўплаб маҳаллий ўғит солинмоқда.

Колхоз аъзолари шудгорлашни тез кун ичида тугаллаш учун курашмоқдалар. Бу ерда қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ж. СУЛТОНОВ.

Дала ишлари кучайтирилди

Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози ишчилари кўклам экиш кампаниясига ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шудгорлаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш сингари дала ишлари кун сайин кучайтирилмоқда.

Совхоз ишчилари КПСС XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар, социалистик мусобақани кенг қўламда авж олдириб, мўл ҳосилга замин ҳозирламоқдалар. Пак Алексей бошлиқ трактор бригадасининг аъзолари шудгорлашда бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу бригадада хизмат қиладиган механизаторлар ҳундалик топшириқни ортиғи билан бажарадилар ва ишнинг сифатига ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Трактор бригадаси аъзолари уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, техникадан унумли фойдаланишлари натижасида ҳозирга қадар 40 гектардан ортиқ янги ерларни ўзлаштириб, шудгорлаб қўйдилар. Бу бригаданинг ихтиёрида 13 та ер ҳайдаш ва ғўзапоя юлиш машиналари бор. Тракторчилар ишни икки сменада ташкил этдилар. Улар вақтдан унумли фойдаланиб, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Шу кунга қадар совхозда 600 гектардан ортиқ ер шудгорланди. Шунингдек 150 гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, пахта майдони ўтган йилдагига қараганда бирмунча кенгайтирилди.

Совхоз ишчилари дала ишларини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Ш. ХИДИРОВ.

Унумли меҳнат қилмоқдалар

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ўтган йили ҳосилдорлик ҳар гектар бошига 3 центнердан оширилди. Бу ютуққа ерлар кузда шудгор қилиб қўйилгани, чигит барвақт экилиб, текис ундириб олинганлиги туфайли эришилди.

Колхозчилар бу йил пахта ҳосилини янада ошириш учун ҳозирдан курашаётирлар. Пахта ерлари ғўзапоядан тозаланиб, ўғитлаб чуқур шудгор қилинаётир. Ҳозиргача 300 гектардан ортиқ ер шудгор қилиб қўйилди.

Колхозчилар тракторларнинг ишлаши учун ерларни ғўзапоядан тозалаб бермоқдалар. Ч. Жўраев, М. Аҳмедов, Н. Бўрибекова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ерлари чуқур қилиб шудгор қилинди. Тракторчилардан Норматов, Умматов ўртоқлар астойдил меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Оржоникидзе номли колхозда ҳам шудгорлаш ҳар тарафлама кучайтирилди. Ерлар ғўзапоядан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

К. ДОВУРБОЕВ.

Ойга томон космик ракета учирилганлиги муносабати билан чет элларда баён қилинган фикрлар

☆ ☆ ☆

Халқ Хитойи Совет Иттифоқини табриклямоқда

ПЕКИН, 3 январь. (ТАСС мухбири А. Шаронов). Совет Иттифоқида Ойга томон космик ракетанинг муваффақиятли учирилганлиги тўғрисидаги қувончли хабар Пекинга ва 600 миллионлик бутун Хитой халқига йўлдош теслиги билан етиб келди. Ракетанинг учирилганлиги тўғрисида эрта саҳарда олинган ТАСС ахбороти Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ радиостанцияси орқали кўп марта эшиттирилди ҳамда мамлакатдаги барча радиостанциялар томонидан айни бир вақтда олиб эшиттирилди. Эрта билан Пекин кўчаларида радио карнайлари ўрнатилган машиналар пайдо бўлиб, улар аҳолига янги тарихий воқеа ҳақида хабар бердилар.

Марказий универмаг ва Пекин вокзали биноларида, пойтахтнинг кўпгина кўчаларида «Сибао» (хушхабарлар) деган катта алвонлар осиб қўйилган. Бу алвонлар олдига жуда кўп кишилар тўпланган. Ҳамма киши Ойга томон учаётган космик ракетани учириш тафсилотларини яна ва яна бир марта билиб олишга интилмоқда.

«Бэйцзин ваньбао» кечки газетаси Совет Иттифоқининг Ой томонига космик ракетани муваффақиятли учирганлиги тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифада йирик ҳарфлар билан терилган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Хитойнинг машҳур олими, Хитой фанлар академияси президенти Го Мо-жо совет ракетасининг учирилишига тўхталиб, Хитой ва чет эл журналистларига бундай деди: Совет Иттифокининг 4 январда Пекин вақти билан соат 12 да Ой доирасидаги районга бориб етадиган жуда катта ракетани учирганлиги, космосда янги лабораториянинг пайдо бўлганлиги 1959 йилнинг энг яхши янги йил совғасидир. Бу воқеа, деди Го Мо-жо, Совет Иттифоқи амалга оширишга киришган коммунистик қурилишнинг улуғвор етти йиллик планига берилган кучли салютдир.

Одамлар Ердан ташқарига чиқолмаган давр ўтиб кетди ва янги давр, космик учишлар ва табиатни янада забт этиш даври бошланди. Бу эса, инсон ақл-идроки имкониятларини чексиз даражада кенгайтиради. Го Мо-жо ракетанинг учирилганлигини ер юзидаги ҳамма кишилар табриклаб, бу воқеа совуқ уруш тарафдорларини ўзларининг тентаклик планларидан воз кечишга ундаши мумкин, деди.

Пировардида, Го Мо-жо улуг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, совет халқини ва совет олимларини чин кўнглидан табриклади.

Буюк тарихий воқеа

БЕРЛИН, 3 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқида Ой томонига космик ракета учирилганлиги Германия Демократик Республикасида ҳаммаларнинг эътиборини жалб этмоқда. Берлинда чиқадиган демократик газеталар бугун ана шу буюк тарихий воқеа ҳақидаги хабарларни биринчи саҳифаларида босиб чиқармоқдалар. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нейес Дейчланд» газетаси АДН агентлиги Москва мухбирининг телеграммасини «Совет космик ракетаси учирилди» деган сарлавҳа остида биринчи саҳифада босиб чиқарган. Газета космик ракетанинг сўнгги босқичи лойиҳаланган тезликка эришганлигини алоҳида уқтириб кўрсатади.

Германия Демократик Республикаси радиостанциялари совет космик ракетасининг учиши тўғрисида мунтазам хабар қилиб турмоқдалар.

АДН агентлигининг билдиришича, совет ракетасининг сигналлари Германия Демократик Республикасида ҳам қабул қилиб олинган.

БОЛГАРИЯ ГАЗЕТАЛАРИ ТАСС АХБОРОТИНИ ЭЛОН ҚИЛДИЛАР

СОФИЯ, 3 январь. (ТАСС). Болгариянинг марказий газеталари бугун Ойга томон совет космик ракетасининг учирилганлиги тўғрисида ТАСС ахборотини қатта сарлавҳалар билан биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар.

Газеталар сарлавҳаларда Совет Иттифоқи планеталараро учишни биринчи бўлиб муваффақиятли равишда амалга оширганлигини таъкидламоқдалар.

ОЙ ТОМОНИГА СОВЕТ КОСМИК РАКЕТАСИНИНГ УЧИРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА КАНАДАДА БАЁН ЭТИЛГАН ДАСТЛАБКИ ФИКРЛАР

ОТТАВА, 3 январь. (ТАСС). Канаданинг радио ва телевизион станциялари Ой томонига совет космик ракетасининг учирилганлиги тўғрисидаги хабарларни кечки сўнгги ахборот вақтида эшиттирдилар. Хабарларда ракетанинг учирилиши шу ойда очиладиган КПСС XXI съездига бағишланганлиги таъкидланади.

СОВЕТ КОСМИК РАКЕТАСИ ТЎҒРИСИДА КАРАЧИ РАДИОСИНИНГ БИЛДИРИШИ

КАРАЧИ, 3 январь. (ТАСС). Карачи радиосининг билдиришича, Японияларги радиоэшитиш постлари совет космик ракетасидаги радиопередатчикларлан берилаётган сигналларни қабул қилганлар.

Карачи радиоси космик ракетанинг сўнгги босқичи жуда оғир эканлигини ва унга ўрнатилган ўлчов аппаратларининг қиймати эканлигини, шунингдек, ракетага СССР герби туширилган вимпел ўрнатилганлигини таъкидлайди.

ОЙГА ТОМОН СОВЕТ РАКЕТАСИНИНГ УЧИРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА НОРВЕГИЯ ТЕЛЕГРАФ БЮРОСИНИНГ АХБОРОТИ

ОСЛО, 3 январь. (ТАСС). Норвегия телеграф бюроси Совет Иттифоқида Ойга томон космик ракета учирилганлиги тўғрисида бир қанча хабарлар эълон қилди. Совет ракетасининг оғирлиги, тезлиги ва босиб ўтган йўли ҳақида муфассал хабар берилмоқда.

Америка радиостанциялари Н. С. Хрушчевнинг янги йил муносабати билан америка халқига юборган мактубини эшиттирдилар

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). Москва вақти билан 2 январь соат 04-05 минутда (Нью-Йорк вақти билан 1 январь соат 20-45 минутда) «Мьючуал Бродкастинг систем» системасидаги радиостанциялар СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг янги йил муносабати билан Америка халқига юборган мактубини эшиттирди. Бу мактубда 1959 йилда тинчликни сақлашнинг яхши перспективаларига ишонч билдирилади. Мактубда тинч воситалар билан ҳал этиш мумкин бўлмаган ҳеч қандай жанжалли ёки ҳал этилмаган масалалар йўқ дейилади. Н. С. Хрушчев америка халқига барча совет халқлари номидан энг яхши тилаклар билдиради.

Н. С. Хрушчевнинг мактубини СССР нинг элчиси М. А. Меньшиков ўқиб эшиттирди. Мактубни эшиттириш олдидан ва уни ўқиб бўлгандан кейин СССР давлат гимни ижро этилди.

КУБАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПАРИЖ, 2 январь. (ТАСС) Француз матбуотининг хабар беришича, Кубанинг Франциядаги элчихонаси ахборот эълон қилиб, Кубадаги миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаганлигини билдирган. «Фидель Кастро раҳбарлигида галаба қилаётган революция, — дейилади ахборотда, — озодлик ва демократия идеалидир, бу идеал Куба халқини ҳамиша илҳомлантириб келган эди».

Ахборотда айтилишича, Кубанинг Франциядаги элчиси М. Эктор де Айала ва Фидель Кастронинг сафдошларидан бири, Парижда кувгинда бўлган доктор Альсина «Кубада ўрнатилган янги режимни дарҳол танишни» таклиф этиб, Франция ҳукуматига мурожаат қилишга қарор берганлар.

«Орор» газетасининг маълумотларига кўра, элчихонанинг бу баёнотини Кубанинг Бонндаги элчиси ҳам қўллаб-қувватлаган.

ҚУЗҒОЛОНЧИЛАРНИНГ ҚУШИНЛАРИ ГАВАНАГА КИРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). Америка информация агентликларининг Гаванадан хабар беришича, Фидель Кастро қўзғолончиларининг олдинги отрядлари бугун Куба пойтахти — Гаванага кирганлар.

МАНУЭЛЬ УРРУТИА КУБАНИНГ МУВАҚҚАТ ПРЕЗИДЕНТИ ҚИЛИБ ЭЛАН ЭТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс интернейшнл агентлигининг хабар беришича, Сантьягода Куба қўзғолончилари судья доктор Мануэль Уррутиани республиканинг муваққат президенти қилиб эълон қилганлар.

АҚШ Кубага ҳарбий кораблар юборди

НЬЮ-ЙОРК, 3 январь. (ТАСС). Асошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Америкининг уч ҳарбий корабли ва икки ёрдамчи кемаси Куба қирғоғи ёнига келган. Мухбир АҚШ денгиз министрлиги вакилининг баёнотини келтиради. Бу баёнотда айтилишича, «1 январь кечқурун учта соқчи эсминса ва сувости кемаларининг иккита сузувчи базасита давлат департаментининг илтимосига мувофиқ, денгизга чиқиш тўғрисида буйруқ берилган».

АҚШ ҳарбий кораблларининг Кубага юборилишига «Кубадаги америкалик гражданларга ёрдам бериш» зарурлиги важ қилиб кўрсатилади.

БМТ Африка иқтисодий комиссиясининг биринчи сессиясида

АДДИС-АБЕБА, 2 январь (ТАСС). БМТ Африка иқтисодий комиссиясининг биринчи сессиясида умумий дискуссия тамом бўлди. Мустамлакачи давлатларнинг вакиллари Африка мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши зарурлиги ҳақида умумий мулоҳазаларни айтиш билан чекландилар ва бирор конкрет таклиф киритмадилар. Жумладан, Англия делегати нутқининг маъноси Африка халқларига манфур бўлган мустамлака режимини мумкин қадар кўпроқ вақт сақлаб туришдан иборатдир.

Иккинчи томондан, Африка давлатларининг делегатлари ўз нутқларида мустамлакачиликни қоралардар ва мустамлака тартибини тезроқ йўқотишни талаб қилдилар.

Сессия кун тартибидаги навбатдаги масалани қараб чиқишга ўтди.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ 37- ТОМИ ПОЛЯК ТИЛИДА БОСИЛИБ ЧИҚДИ

ВАРШАВА, 3 январь. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг хабар беришича, Варшавадаги «Ксенжка и ведза» нашриёти В. И. Ленин Асарларининг 37- томини поляк тилида босиб чиқарди.

ЖАЗОИР МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК АРМИЯСИ ҚУМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

КОҲИРА, 1 январь. (ТАСС). Жазоир миллий-озодлик армияси қўмондонлигининг кеча эълон қилинган ахборотида айтилишича, бир кун ичида — 27- декабрда Жазоир партизан отрядлари француз қўшинларининг ҳарбий лагерларига 13 марта ҳужум қилганлар. Ўша куни Жазоир миллий-озодлик армияси қисмлари билан француз қўшинлари ўртасида икки шиддатли жанг бўлган.

Жангларда француз солдат ва офицерларидан 115 киши ўлдирилган ва 154 киши яраланган. Еттита француз солдати Жазоир миллий-озодлик армияси томонига ўтган. Кўп миқдорда қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ўлжа олинган. Жазоир ватанпарварлари икки француз самолётини уриб туширганлар, олтита ҳарбий автомашинани яксон қилганлар.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОНОМИКАСИДАГИ КРИЗИС ҲОЛЛАРИ

БЕРЛИН, 2 январь. (ТАСС). «Нейес дейчланд» газетасида Ғарбий Германия экономикасининг баъзи тармоқларида аҳволнинг ёмонлашиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган. Ҳозирги вақтда Ғарбий Германия кемасозлик корхоналарида заказлар ҳажми 1957 йилдаги даражага нисбатан 1,8 миллион тонна камайган.

Олинган маълумотларга кўра, Любек портининг товар обороти 1958 йилда 1957 йилдагига нисбатан 100 минг тонна камайган.

Бавариядаги биргина Регенебург шаҳрида кейинги икки ҳафта мобайнида ишсизлар сони деярлик икки баравар кўпайиб, ҳозирги вақтда 11 минг кишини ташкил этган. Ашафенбургда тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ишлаш бўшатишлар давом этмоқда. Янги йил арафасидаёқ тўқимачи ишсизлар сони 2.800 киши ҳисобланган.

Машинасозликда ҳам ишлаш бўшатишлар давом этмоқда. Шу кунларда Рейнсгейм шаҳридаги «Шаарингхаузен» машинасозлик заводида 200 дан ортиқ ишчи ишдан бўшатилган.

СССР ВА АҚШ ХОККЕЙЧИЛАРИ УЧРАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). Бу ерда СССР ва АҚШ терма хоккей командаларининг учрашуви бўлди. Ўйин 5:5 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Шопайзиқулоқ массивида яқинда янги ҳашаматли ўрта мактаб биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Янги мактаб уч қаватдан иборат бўлиб, кенг ва ёруғ синф хоналарига эга. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Физкультура зали, химия-физика лабораториялари бор. Лабораторялар махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, политехника устахоналари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган. Ҳозир мактабда машғулотлар бошланди. Саккиз юздан ортиқ ўқувчи икки сменада ўқимоқда. Суратда: янги 136- мактабнинг умумий кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Халқ устасининг мероси

Наққошлик ва ёғочга гул ўйиш санъатининг моҳир усталаридан бири, Ўзбекистон халқ рассоми Олимжон Қосимжоновнинг номи республикамиздан ташқари жойларда ҳам машҳурдир. Талантли халқ устаси қимматли ва бой бадиий мерос яратган. У ўзининг кўп йиллик баракали ижоди даврида анчагина қимматли асарлар яратди. Амалий санъатнинг энг нодир намуналари бўлган бу асарлар музейларда сақланмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи Қосимжоновнинг юздан ортиқ ижодий намуналарини тўплаган. Бу асарлар Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан «Тошкент нақшлари» номи билан альбом сифатида нашр этилди. Халқ устасининг ижодини оммалаштирувчи бу альбом Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига атаб чиқарилган. Альбомни нашр этишда санъатшунос И. Прица, рассом М. Прутская-Дегтярева, фотограф И. Погребняк ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

О. АПУХТИН.

Комедия опера театри саҳнасида

Пойтахтимиздаги театрлар Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида намойиш қилиш учун бир қанча янги спектакларни саҳналаштирмоқдалар. Навоий номидаги опера ва балет театри ижодий коллективи саҳналаштираётган «Майсаранинг иши» номли спектакль ҳам ана шу кўрикка тақдим этиладиган асардир. Ҳамза Ҳакимзоданинг шу номдаги пьесаси асосида опера либреттони С. Абдулла ва М. Муҳамедов ўртоқлар ёзганлар. Сулаймон Юдахов янги операга музика яратган. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Сталин мукофоти лауреати В. Канделаки, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Шамсуддинов, Сталин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Мусаев ўртоқлар спектаклни тайёрлашга кўп ижодий меҳнат сарфламоқдалар.

Янги операдаги ролларни СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова (Майсара), Ўзбекистон ССР халқ артисти Саодат Қобилова (Ойхон), республикада хизмат кўрсатган артист Саттор Ярашев (Чўпон), Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокиров (Мулладўст) ва бошқалар ижро этадилар. Коллектив опера устида қунт билан ишламоқда.

Комедия — опера тез кунда пойтахтимиз тамошабинларига совға қилинади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ФАН ТАРИХИДАН

Федченколар оиласи—



А. П. ФЕДЧЕНКО

Ўрта Осиёнинг ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир. Олимларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда унинг флорасида 7 минг хилдан ортиқ ҳар хил ўсимлик бор. Шуларнинг 500 хилдан кўпроғини йирик дарахт ва буталар ташкил этади. Ер шарининг бошқа жойида кам учрайдиган бундай ўсимлик дунёси минг йиллар давомида яхши ўрганилмай ва инсон манфаатлари учун фойдаланилмай келган.

Ўрта Осиёнинг тоғ ва водилар, чўл ва тўқайларида ёйилиб ётган ўсимликларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва уларни адабиётда тасвирлаб беришга асос солган олимлардан дастлабкилари Алексей Павлович ва Ольга Александров Федченколар эди. Алексей Павлович географ ва саёҳатчи бўлган. Шунингдек у зоология, геология, ботаника, антропология ва этнография соҳаларида ҳам иш олиб борган. Унинг хотини Ольга Александровна Россияда аёллар орасидан чиққан биринчи ботаник эди. У, А. П. Федченко экспедицияларида ботаник вазифасини бажарарди.

Уч йил давом этган биринчи экспедицияда (1869-1871 йиллар) Алексей Павлович ва Ольга Александровна Туркистонда бўладилар ва Зарафшон водиси, Қўқон хонлигини саёҳат қиладилар, Олай ва Заолай тоғларига бориб, музликларни ўрганадилар. Шунингдек улар Қизилқум қумликларида бўлиб, бой коллекция тўплайдилар. Алексей Павлович Ўрта Осиё музликлари ва унинг келиб чиқишини батафсил ўрганганча, бу музликларни Альп музликлари билан солиштириш мақсадида 1873 йилда Швейцарияга саёҳат қилади. Саёҳат даврида Монблан тоғ чўққисига чиқаётган пайтда унга ҳамроҳ бўлган икки кишининг бепарволиги натижасида А. П. Федченко қор бўрони орасида қолиб, 28 ёшида фожиали ҳалок бўлади. Унинг экспедицияларда тўплаган материаллари ва илмий ишлари «А. П. Федченконинг Туркистонга саёҳати» номи билан китоб қилиб нашр этилган. Бундан ташқари Федченконинг «Туркистонга саёҳат», «Қўқон хонлигида» номли ва зоологияга оид бир қанча илмий китоблари бор.

Алексей Павловичнинг хотираси учун шарқий Памирдаги дунёнинг энг улкан музлиги Федченко номи билан аталадиган бўлди.

Алексей Павлович вафотидан сўнг унинг хотини, жасур ва толмас саёҳатчи О. А. Федченко ўғли Борис Алексеевич Федченко билан биргаликда Туркистон ўсимликларини ўрганиш юзасидан катта ишлар қилади.

Ольга Александровна ўз фаолияти даврида ўсимликларнинг катта коллекциясини тўплайди. Ҳозир бу коллекция Москва Давлат университетининг гербарийсида сақланмоқда. Ольга Александровна тўплаган коллекциялар Ўрта Осиё ўсимликлари тўғрисида бой маълумот беради. Чарчамас олима «Туркистон ўсимликлари», «Памир флораси», «Ширач гули тўғрисида монография» ва бошқа бир қанча илмий асарлар яратган.

Унинг ширач гули тўғрисида илмий иши ва Ўрта Осиё ландшафти тасвирланган чиройлик альбом ҳатто Парижда ҳам нашр этилган. Ўсимликлар туркумининг бири унинг номи билан — «Ольгея» деб юритилади. Бундан ташқари 45 хил ўсимликка ҳам унинг номи қўйилган. Аёллар орасидан чиққан олима Ольга Александровнанинг СССР Фанлар академиясининг биринчи корреспондент аъзоси бўлиши ҳам диққатга сазовордир.

О. А. ФЕДЧЕНКО

Ольга Александровна 1922 йилда вафот этган.

Б. А. Федченко аҳолини ўқитиш билан шуғулланувчи бошқарманинг ботаник тадқиқотларида катта роль ўйнади. 1908 йилда Федченко раҳбарлигида жуда кўп экспедициялар уюштирилади. Экспедиция қатнашчилари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Сибирь районларининг ишлаб чиқариш кучларини ва ўсимлик бойлигини ўрганиш билан шуғулландилар. Қарийб Октябрь революциясигача давом этган бу экспедиция ҳар йили 130 мингга яқин ўсимлик тури тўплаган.

Борис Алексеевич Лондондаги Линей жамиятига сайланган биринчи рус ботанигидир. Италия, Франция, Англия ва бошқа ғарб давлатларида бир неча марта бўлган Б. А. Федченко чет эл олимлари ўртасида катта обрў қозонган эди. У ҳаёт эканлигида дунёдаги жуда кўп мамлакатларнинг ботаника боғлари билан ўсимликлар гербарийси алмаштирилиб турарди.

Она ва ўғил Ўрта Осиёни ва унинг ўсимликларини жуда севар эдилар. Уларнинг Москва яқинидаги Можайск уездида жойлашган боғида Ўрта Осиё ўсимликларидан иборат махсус кўчатзор бўлганлиги шундан далолат беради.

Ажойиб ташкилотчи ва уста педагог Борис Алексеевич ёшларни илмий ишга торта билар, уларга шахсий намуналар кўрсатар эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград шаҳри қамалда қолган вақтда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Б. А. Федченко ўзининг иш кабинетини тарк этмади. Илмий соҳада тинмай иш олиб борди. У «Ленинград мудофааси учун» деган медаль билан мукофотланди.

Урушдан кейинги йилларда Борис Алексеевич оғир касалманд бўлиб қолганига қарамай, илмий адабиёт янгиликларини диққат билан кузатиб борди. У, айниқса Ўрта Осиёга борадиган экспедициялар билан жуда қизиқарди ва экспедиция қатнашчилари севимли Туркистондан олиб келган материалларни зўр қониқиш билан кўздан кечирарди.

Умрининг сўнгги кунларигача илмий ишдан тўхтамаган машҳур ботаник олим Б. А. Федченко 1947 йилда Ленинградда вафот этади. Олим архивини унинг оиласи СССР Фанлар академиясига топширди. Узоқ ижодий изланиш ва кўп экспедициялар натижасида профессор 500 дан ортиқ илмий иш ёзган эди.

Федченколар оиласининг номи Ўрта Осиё ва Қозоғистон илм аҳллари учун қимматли ва унутилмасдир. Чунки улар чор Россиясининг қолоқ ўлкаси бўлган Туркистонга илғор рус биология фанини олиб келдилар ва маҳаллий ботаниклар авлодининг билимини бойитишда катта хизматлар қилдилар.

Б. А. ФЕДЧЕНКО

К. ОРИФХОНОВ,
Ўрмон хўжалиги инженери.

Пахта терадиган янги машиналар

ЭСКИ ТОШКЕНТ. (ЎзТАГ). СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Ўрта Осиё машина—синов станциясида пахта терадиган икки хил машина ишлаб чиқариш шароитида синаб кўрилди. Станция бош инженери М. К. Калинин бу ҳақда қуйидагиларни айтди:

— ХВС — 1,2 ва СХС — 1,0—1,2 маркали бу янги машиналарни давлат пахтачилик конструкторлик бюросининг коллективи яратди. Бу машиналаргинг бирбиридан фарқи фақат шундаки, биринчисининг шпиндели тик ўрнатилган бўлиб, иккинчисиники горизонтал ўрнатилган. Шу билан бирга ҳар иккала машина шу вақтгача ишлатиб келинган машиналардан катта фарқ қилади.

Янги машиналар гидравлик тузилишига эга. Бу эса машина иш органларини ғўза тупининг бўйига мослаб ўрнатишга, терилган пахтани автомат равишда ўлчашга, шунингдек пахтани автомашина ёки бошқа транспортга ортишда бункерни ағдаришга имкон беради. Гидравлика машинанинг шпинделини тиқилиб қолган барг ва бошқа ҳаслардан ҳаво билан тозалашга ҳам имкон беради. Машина ётиб қолган ғўза тупларини кўтарадиган мосламаларга ҳам эга.

Янги машиналар шабнам босган далаларда ҳам бемалол юриб ишлай олади. Шунингдек очилмаган кўсакларни ҳам теради, бунинг учун иккинчи бункер ўрнатилган.

Янги машиналар кунига 8 тонна пахта теради. Бу эса мавжуд машиналар иш унумидан деярли уч ҳисса ортиқдир.

Селекционерлар группаси

Тошкент Қишлоқ хўжалик институти республикамиз колхоз ва совхозлари учун минглаб малакали агрономлар етказиб берди ва бермоқда.

Яқинда шу институтнинг техника экинлари кафедраси ҳузурида 30 студентдан иборат алоҳида селекционерлар группаси ташкил этилди. Булар институтни тугатгач, агрономселекционер дипломини олиб, қишлоқ хўжалик илмий муассасалари ҳамда тажриба станцияларида лаборант, илмий ходим ва селекционер бўлиб ишлайдилар.

Б. АЗИЗОВ.

Касаба союз путёвкалари билан

Меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш каби шарафли вазифа совет касаба союзлари зиммасига юклатилган. Маданий дам олишнинг йўллари кўп. Меҳнаткашларнинг бир қисми марказий ва маҳаллий курортларда, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарсалар, бошқалари ғўзал, беполён мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қиладилар.

Бу йил 19.898 ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим санаторийларда даволандилар, 1959 йилда эса курорт-санаторийларда дам олувчиларнинг сони 22 минг кишига етади. 1958 йилда Ўзбекистон меҳнаткашларидан 42.755 киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди, бу йил уларнинг сони 47,950 кишига етади. Юздаб меҳнаткашлар ўз отпускаларини дам олишнинг сераавқ формаси бўлган саёҳатда ўтказадилар. Ўтган йил ўзбекистонликлар Москва, Ленинград, Киев, Ялта, Батуми каби шаҳарларда, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Болтиқ бўйи республикаларида, Қора денгиз бўйи, Чшил бурун, Рок девони ва шунга ўхшаш мамлакатимизнинг хушманзара жойларида бўлдилар. Москва—Уфа—Москва, Ленин номидаги Волга—Дон канали, Ленинград—Онега кўли каби маршрутлар бўйича пароходда сайил қилдилар. Она-Ватан бўйлаб туристик саёҳатни кучайтириш ва меҳнаткашларга енгилликлар туғдириш ишларига Узсовпроф 1959 йилда 350 минг сўм сарфлашни мўлжалламоқда.

Туризмнинг бошқа тури — чет элларга саёҳатдир. 1958 йилнинг ёз ва куз ойларида республика меҳнаткашларидан 400 га яқин киши туристик путёвкалар билан чет элларга бориб келдилар. Улар Болгария, Венгрия, ГДР, Корея, Польша, Руминия, Чехословакия, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Швеция мамлакатларида бўлдилар.

Яқин кунларда ўзбекистонликлардан катта бир группаси Хитой Халқ Республикасига саёҳатга жўнаб кетди, шу йилнинг биринчи кварталида туристларимиз Бирлашган Араб Республикасига, Чехословакия, Ҳиндистон, Бирма ва бошқа мамлакатларга саёҳат қиладилар.

Т. ЗУФАРОВ,
Узсовпроф инструктори.

Безатувчи рассомлар асарларининг виставкаси

Округ офицерлар уйида ишлаб чиқариш мастерскойларида ишлаётган безатувчи рассомларнинг асарларидан иборат виставка ташкил қилинди. Виставкага китоблар учун ишланган хилма-хил муқоваларга, рангба-ранг плакат ва чиройли эскизлар қўйилган. Бундан ташқари экспонатлар орасида кўча ва парклари безатиш учун ишланган стенд ҳамда турли этикеткаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Виставкани кўп киши келиб кўрмоқда.

Ҳ. НОРМАТОВ.

Ўрта маълумотли ишчилар

Синфдошлар ўртасида касб танлаш ҳақида гап кетганида Мирза «мен тикувчи бўлсам деган орзуданман» деса, ўртоқлари ундан кулишган эди.

— Бу касб қизларники-ку, сенга ярашмайди, — дейишган ҳам.

Мирза бу гаплардан руҳан тушмади, ўз орзусини амалга ошириш ҳақида ўйлади. У етуклик аттестатини олгач, Тошкентдаги 1-тикув фабрикасига борди. Уни тикувчилик цехига ёрдамчи ишчи вазифасига қабул қилишди. Ҳаракатчан Мирза тезда ишга киришиб кетди, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир процессини қунт билан кузата бошлади. Цех бошлиғи Шомуротов Мирзани кўпгина шогирдларни тарбиялаган мастер Муродянга биркитиб қўяди. Ёш йигит уч ой ичида андаза ёрдами билан шим ва костюмлар бичишни ўрганиб олди.

Фабрикада Мирза қатори ўрта маълумотли ёшлар анчагина. Ўтган йилнинг ўзида етуклик аттестати бўлган 157 йигит-қиз фабрикага ишга қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги бир ярим-икки ойдаёқ мустақил ишлашни эгаллаб олдилар.

— Ёшларимизнинг ҳафсаласи дуруст, — дейди мамнуниятлар билан 5-цех бошлиғи Саркисов. — Цехимизга шу йилда келган 10 қизнинг ҳаммаси касб эгаси бўлди.

Масалан, Д. Халилова фабрикага келганида ҳатто тўғри чок тикишни ҳам яхши билмас эди. Ҳозир у хотин-қизлар ва эрлар костюмлари учун бортовкалар тайёрлайди. Кундалик нормани 250 процентга етказиб адо этмоқда. Шу цех ишчилари К. Носирова, Ҳ. Исаева ва О. Даниловалар ҳам ундан қолишмайдилар.

Фабрика маъмурияти ёш ишчиларнинг билим олишлари тўғрисида ҳам яхши ғамхўрлик қилади. Жумладан, 12 ишчи Тошкент тўқимачилик институтининг сиртқи бўлимида, 10 ишчи Бутуниттифоқ енгил саноат сиртқи техникумида ўқимоқда.

З. АХТЯМОВА.

Суратда: бичиш цехининг бошлиғи Р. Шомуротов (ўнгдан иккинчи) ёш ишчилардан (чапдан) Л. Николаева, М. Собиров, И. Миронова ва Ф. Юнусовларга кийим бичиш техникасини ўргатмоқда.

В. Салов фотоси.

Кўп миллатли оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси Белоруссия Совет Социалистик республикаси Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада барқ уриб ривожланди. Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгармоқда. Яқинда бунга 40 йил тўлди. Суратда, Могилевский областидаги «Рассвет» колхозининг марказий қўчаларидан бири.

В. Савостьянов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҲАР ТЎҒРИДА

Ажойиб пальто

Бу ажойиб пальтони кийиб бир кеча-кундуз шарроса ёмғир остида юриш мумкин, аммо эгнингиз ҳўл бўлмайди. Пальтога тушган ёмғир худди деворга сепилган нохатдек сачраб, думалаб тушиб кетаверади. Бундай қараганда бу пальто одатдаги кийимлардан фарқ қилмайдиганга ўхшайди. Аммо унинг ўзига хос хусусияти бор. Пальто материалига махсус кремнорганик модда — гидрофобос шимдирилган. Бу материал Ленинграддаги силикатлар химияси институти лабораториясида яратилган ва у ўзига сув юқтирмаслик хусусиятига эга. Гидрофобос пленкадан жуда кўп мақсадларда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Бу материаллардан плащ ва пойафзал тайёрлашда, уй-рўзғор буюмлари ва кемаларнинг ойналарини ишлашда, биноларнинг пештоқи, архитектура ёдгорликлари, нодир китоблар, архив ҳужжатларини асрашда, қоғоз дастурхон тайёрлаш ва афишаларда фойдаланса бўлади.

СПОРТ

Меҳнат жамияти биринчилиги учун

Тошкентда КПСС XXI съезди шарафига «Меҳнат» спорт жамияти биринчилиги учун ўтказилган шахмат-шашка мусобақаси тамом бўлди. Шахматчилар орасида пойтахтдаги «Восток» клуби командаси 20 имкониятдан 17,5 очко тўплаб, голиб чиқди. Биринчи разрядлилар А. Айрапетов, Э. Ильязов, В. Горев, Б. Қосимов ва иккинчи разрядли Л. Дмитрук ўртоқлар клуб командаси шарафи учун курашдилар. Тошкент тўқимачилик комбинати шахматчилари эса 15 очко олиб, иккинчи ўринни эгалладилар.

Шашка мусобақасида маданият ходимлари касаба союзи (Тошкент) командаси биринчи ўринни олди. Бу команда 20 та ўйиннинг ҳаммасида ҳам галабага эришди. «Таштекстильмаш» заводи шашкачилари 11 очкога эга бўлдилар.

Бу мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган командалар шу йил февраль ойида «Труд» спорт жамияти биринчилиги учун ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Телевизор экранида

4 ЯНВАРДА

12.00. Бадиий фильм — «Темур ва унинг командаси»
19.00. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.
20.00. Киножурнал.
20.10. Сўнгги ахборот.
20.30. Бадиий фильм — «Оқ акация».

5 ЯНВАРДА

12.00. Бадиий фильм — «Бургутча».
13.20. Янги йил арча байрами олиб кўрсатилади.
19.30. Болалар учун ҳужжатли фильм.
19.50. Коммунист шоир Муса Жалил ҳалок бўлган кунининг 15 йиллиги муносабати билан ўзбек тилида адабий-драматик эшиттириш.
20.15. Киножурнал.
20.25. Сўнгги ахборот.
20.45. Бадиий фильм — «Қора кийимли қиз».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Ўрта Осиё тадқиқотчилари

ТОШКЕНТНИНГ ТАҲОША ЗАЛЛАРИДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да **Бой ила хизматчи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — Тез кунда янги спектакль **Майсаранинг иши** (опера). Билетлар сотилмоқда.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Тинч квартира.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Қор қиз**, 11-20 минутда **Чук ва Гек**, қолган сеансларда Наурис.

«Ўзбекистон» — эрталаб соат 10 да **Андрейка**, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда **Тинч квартира**, эрталаб 11-45 минут, кундуз 3-15 минут, кеч 6-45 минут ва 10-15 минутда **Наурис.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 январгача

АРЧА БАЙРАМИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

50 дилиут артист иштирокида

«АЖОИИБ ТУШЛАР КЕЧАСИ»

Ҳар куни 3 марта катта байрам тамошалари.

Билетлар цирк кассасида ва район кассаларида сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади. Ташкилотларнинг сўровига мувофиқ жойларга район кассирлари юборилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Ўзбекистон компартияси XIV съезди олдидан

6 ва 7 январда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Шаҳодат Раҳимова, Фотима Борухова, Ғулом Абдурахмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев,** VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов, Акбар Мўминов, Ғафуржон Иногомов,** солистлардан **Тўхта Йўлдошева, Тоштемир Шарипов, Маҳмуд Муҳамедов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

Тошкент область матлубот союзининг Тўйтепа станциясидаги

ТЎЙТЕПА РАЙОНЛАРАРО БАЗАСИ

колхоз, муассаса, ташкилот, корхона ва гражданларга

нақд пулга ва перечисление тартибида

Қараганда ва Оҳангарон

кўмири сотади

Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа телефон станцияси орқали телефонда мурожаат қилинсин.

Р 01010. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б — 1503.